

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим  
вазирлиги  
Тошкент молия институти**

Ўқув- услубий бошқарма  
томонидан рўйхатга олинди

№ \_\_\_\_\_  
2014 йил 20 июнь

Институт кенгашининг  
№ 1 сонли қарори билан  
**ТАСДИҚЛАНГАН**  
(2014 йил 23 август)



**Амалий инглиз тили бўйича**

**МАГИСТРАТУРА**

**мутахассисликлари учун**

**ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ**

**ТОШКЕНТ – 2014**

**Тузувчилар:** М.Набиева – ТМИ, “Чет тиллар” кафедраси  
мудири, доцент  
**Такризчилар:** Т.Қ.Саттаров –ТДЮИ, “Факультетлараро  
хорижий тиллар” кафедраси  
профессори  
Д.К. Тўрабекова –ЎзМУ, “Инглиз тилшунослиги ва  
таржима назарияси” кафедраси  
доценти

Фаннинг ишчи ўқув дастури “Чет тиллар” кафедрасининг 2014 йил 30 май 19-сонли байённомаси билан муҳокамадан ўтган ва факультет илмий услубий кенгашида муҳокама этишга тавсия этилган.

**Кафедра мудири:**



доц. М.Набиева

Фаннинг ишчи ўқув дастури “Лойиҳаларни молиялаштириш” факультети Илмий Кенгаши йиғилишининг 2014 йил 12 июнь 18 сонли байённомаси билан муҳокамадан ўтган ва институт Илмий-услубий Кенгаши муҳокамасига тавсия қилинган.

**Факультет декани:**



доц. К.Каримова

**Келишилди:**

Ўқув ишлари бўйича  
проректор



проф.А.Каримов



## КИРИШ

Тошкент молия институтида тайёрланаётган магистратура босқичига амалий инглиз тили фанидан дастур Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Таълим тўғрисидаги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда Республикада чиқарилган қарор ва фармонларга ҳамда инглиз тилини ўзлаштириш Умумевропа даражалар тизимига асосланиб ишлаб чиқилди.

Мазкур дастур магистратура босқичи учун қўйилган талаблар асосида тузилди.

Бундан келиб чиққан ҳолда магистратура босқичида инглиз тилини ўқитишнинг асосига янги ўқитиш стратегиясини пойдевор қилиб, ўқув жараёнини ташкил қилишда янги тамойилларни қўллаш ва ўқитувчини ўз устида ишлаб малакасини оширишга туртки бериш назарда тутилади. Дастур таълимнинг мақсад ва вазифалари, магистратура босқичида магистрантлар ўрганиши керак бўлган амалий инглиз тилининг эшитиш, гапириш, ўқиш ва ёзиш бўйича билим ва малакалари такомиллаштиришни ўз ичига олди.

Европа Кенгашининг “Инглиз тилини билишнинг умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш” тўғрисидаги ҳужжати умумэътироф этилган халқаро меъёрлардан биридир.

Дастур хорижий тил таълимнинг ажралмас қисми сифатида магистрантларнинг коммуникатив, лингвистик, социо-лингвистик, дискурсив, стратегик, касбий, умуммаданий компетентлигини интеграллашган ёндашув асосида ривожлантиришни кўзда тутди.

### **Компетентлик, коммуникатив, интеграллашган ёндашувлар:**

- таълимга онгли, фаол, ижодий фаолият сифатида қараш;
- инглиз тилига фаол коммуникатив мулоқат воситаси сифатида ёндашиш;
- инглиз тилига ахборот олиш ва узатиш мулоқот воситаси бўлиб ахборот олиш ва узатиш;
- касбий фаолиятда инглиз тилидан эркин қўллай олиш каби тамойилларига асосланади.

**Коммуникатив фаолиятга йўналтирилган** таълим ривожлантирувчи, функционал ва коммуникатив хусусиятларига эга бўлиб, ўқиш жараёнида Инглиз тили ўзлаштиришнинг Европа даражалар тизимига кўра магистрлар В2-В2+ даражасини эгаллаши кўзда тутилади. билиш фаоллигини оширишга кўмаклашади. Ушбу ёндашув таълим мустақил фикрлаш ва ижодий фаолият юритиш кўникмаларини шакллантиришга қаратилган бўлиб, улар қуйидагилар асосида амалга оширилади:

- таълим жараёнида турли соҳалардаги билимларни интеграциялаш;
- таълим жараёнини маданиятлараро коммуникация жараёни сифатида ташкиллаштириш;
- таълим жараёнида таълим олувчи ва таълим берувчи (ўқитувчи– магистрант)лар ҳамкорлигини тенг ҳуқуқли иштирокчиларига айлантириш;
- таълимнинг интерфаол шакллари жорий этиш;

- тилни ва ижтимоий-маданий билимларни, амалий кўникмаларни эгаллашда талабаларнинг мустақил фаолият юритишини таъминлаш.

**Шахсга йўналтирилган ёндашув** инглиз тили таълимида нафақат илмий билимлар бериш, балки таълим жараёнининг иштирокчилари (талабалар, ўқитувчилар, ота-оналар) муносабатларининг фаол шакллариغا асосланган таълим жараёнини ташкил этади. Ушбу ёндашув талабанинг характери ва ривожланиш йўналишини ўрганиш, унда индивидуалликни шакллантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ривожланиш динамикасини унинг олдинги ҳолати билан таққослаш орқали амалга оширишни кўзда тутди.

**Инглиз тили таълимида интеграллашган ёндашув** таълим олувчининг шахсий, интеллектуал ва касбий фаолиятларидан олинган материаллардан кенг фойдаланиш. Тил ва нутқ материалининг тенг нисбатда бўлиши, нутқ фаолиятининг 4 та тури бўйича нутқий тайёргарлик даражасига қўйилдиган

талаблар даражасини уйғун ва ўзаро боғлиқ ҳолда шакллантиришни кўзда тутди.

Инглиз тили таълимида **компетентлик ёндашуви** муайян натижаларга эришиш ва муҳим компетенцияларни эгаллашга қаратилади. Мазкур ёндашувда таълим мустақил ўқиш-ўрганиш, ижтимоий ва маданий соҳаларида касбий ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган компетенцияларга эришиш учун билим, кўникма, малака ва тажриба талаб этилади.

#### **Фан ўқитилишининг мақсади ва вазифалари**

Янги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиш ва халқаро муносабатларни кенгайтишига олиб келди. Илмий-техник алоқалар кўринишлари ўзгарди ва халқаро глобализация даврида дунё билан алоқаларни ривожлантириш устуворлик касб этди. Бугунги кунда инглиз тилидан бирини билиш барча олийгоҳ магистрантларининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Инглиз тили фанининг, мутахассиснинг амалий ва интеллектуал фаолиятида муҳим ўрин тутган умумтаълимий фан сифатидаги статусини оширди. Инглиз тилини билиш олийгоҳлар магистрантларига инглиз тилидаги мутахассислиги бўйича адабиётларни ўқиш, хориждаги тенгдошлари ва мутахассислар билан мулоқот олиб бориш, конференция, симпозиумларда қатнашиш, магистрлик илмий ишини ёзишда инглиз тилидаги манбалардан фойдаланиш, ҳамда ҳар томонлама ўз малакасини ошириш имкониятини яратади. Шулардан келиб чиққан ҳолда мутахассисларни тайёрлашнинг асосий талабларидан бири - бу инглиз тилини мукамал ва эркин мулоқот олиб боришга ўргатишдир.

#### **“Амалий инглиз тили” фани мазмунига қўйилдиган билим, кўникма ва малакавий талаблар**

“Инглиз тилини билишнинг умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш” **B2-B2+** инглиз тилини ўргатишга ихтисослашган ОТМ магистратура босқичи магистранти қуйидаги лингвистик компетенцияларга эга бўлиши керак.

#### **Инглиз тили билиш бўйича даражасига қўйилдиган**

**талаблар компетенциялар билим малака лингвистик компетенция,  
нутқий компетенция тушуниб тинглаш.**

Мавзу яхши таниш бўлганда ва ахборот йўналиши ўрнига мос маркерлар кўрсатилаётган ҳолатда давомли маъруза ёки далилларнинг мураккаб тизимини кузата олиш; гарчи атрофимизда гапирилаётган нарсанинг ката қисмини англаш учун куч талаб қилинса-да, бироқ нутқнинг услубини ўзгартирмаётган бир неча тил эгалари билан мулоқотда тўлақонли иштирок этиш қийинчилик туғдирса ҳам уларни тушуна олиш;

-таълим ва касбий фаолиятга тааллуқли маъруза ва докладлар, мукамал йўриқномаларнинг асосий қоидаларини ҳамда бошқа турдаги мураккаб мавзули ва лингвистик чиқиш нутқларини тушуниш; меъёрий тезликда ва меъёрий диалектда (шевада) талаффуз қилинаётган аниқ ва мавҳум мавзудаги эълон ва хабарларни тушуниш;

-сўзловчининг кайфияти ва оҳангини тушуниш орқали меъёрий шевада радио ёки қайдларда янграйдиган бошқа материаллар ва радио эшиттиришларни тушуниш;

-ёзиб олинган ва меъёрий шевада айтилган чиқиш нутқларини касбий ҳаёт ва илмий фаолиятда дўст ва танишлар билан мулоқот жараёнида тушуниш;

-сўзловчининг нуқтаи назарини, унинг бирор нарсага муносабатини ва чиқиш нутқидаги ахборотни аниқлай олиш.

**Диалог.**

Тутилмай ва тайёргарликсиз фикрни ифодалай олиш, бу эса тил эгалари билан икки томон учун ҳеч қандай қийинчиликларсиз доимо ва мунтазам мулоқот қилиш имконини беради; бирон бир ҳодиса ёки ҳолатда шахсий қизиқишини кўрсата олиш, мос далиллар ёрдамида ўзининг нуқтаи назарини тушунтириш ва мустаҳкамлай олиш; тил эгалари билан (керакли пайтда суҳбатга киришиш ёки суҳбатни якунлаш, сўзлашувда йўналиш, услуб, акцент ўзгаришига мослашиш, тушунмовчиликка олиб келувчи хатоларни тузатиш) асосий касбий коммуникатив вазиятларга тааллуқли диалогларда (баҳсларда, “розиман ва қаршиман” далилларини келтириб долзарб масала бўйича ўз нуқтаи назарини тушунтириш ва қўллаб-қувватлаш; у ёки бу вазиятнинг ижобий ва салбий жиҳатларини тушунтириб, асослаш тизимини ривожлантириш; муаммонинг моҳиятини тушунтириш ва музокара жараёнида улар томондан ёнбосиш заруриятини уқтириш; воқеа-ҳодисаларнинг сабаблари, оқибатлари, тахминий ривожланишини муҳокама қилиш) тайёргарликсиз, эркин ва табиий иштирок эта олиш; таниш мавзуда норасмий баҳсда иштирок этиш; ўз нуқтаи назарини очиқ ифодалаб шарҳлар қилиш, муқобил таклифларни ўйлаб кўриш, далиллар юзасидан фикрлар билдириш, касбий коммуникатив вазиятларга тааллуқли бўлган ўз қарашларини илгари суриш; ўз нуқтаи назарини асослаш ва қатъий туриш; интервью жараёнида, агар интервью олувчи шахс бироз ёрдамлашса ва йўллантирувчи саволлар берса, ўз фикрини ёритиб ва ривожлантириб, ташаббусни ўз қўлига ола билиш.

## **Гапириш Монолог**

Барча розиман/қаршиман фикрларини билдириб, долзарб муаммо бўйича ўз нуқтаи назарини аниқ ва батафсил тушунтириш; алоҳида фикрларни ривожлантириб ва уларни қўшимча мазмун ва мисоллар билан бойитиб саволларнинг кенг доираси бўйлаб аниқ, мукамал тавсифлар қила олиш; ўз нуқтаи назарини етарлича кенгайтирилган қўшимча тасдиқлар ва мисоллар билан мустаҳкамлаб, асослашнинг аниқ тизимини ривожлантира олиш; бирор нуқтаи назарга “розилик/қаршилиқ” далилларини келтириб, турли вариантларнинг ижобий ва салбий жиҳатларини очган ҳолда, олдиндан тайёрланган яхши маъруза қила олиш; тингловчиларда қийинчилик уйғотмайдиган равон нутқ ва таъсири намойиш қилиб, ўзининг чиқиш нутқига оид қатор саволларга жавоб бера олиш.

### **Ўқиш**

Матн турлари ва ўз мақсадларидан келиб чиқиб ҳамда зарур маълумот материалларидан териб фойдаланиб, ўқиш тури ва тезлигини ўзгартирган ҳолда деярли мустақил мутолаа қила олиш; турли-туман сўзларнинг кенг захирасига эга бўлиш, бироқ бунда айрим идиоматик ифодалар қийинчилик туғдиради; касбий йўналиш доираларида муаллифлари алоҳида ўринга эга ёки алоҳида нуқтаи назарни ифодалай оладиган замонавий муаммога оид мақола ва хабарларни тушуниш; қизиқарли масалаларга оид хатларни ўқиш ва қийинчиликсиз асосий маънони англай олиш; мақоланинг мазмунини тез тушуна олиш ва янгилик, мақола ёки хабарнинг долзарблигини касбий мавзунинг кенг доираси бўйлаб аниқлаш ҳамда уларни кенгрок ўрганишга жоизлигини аниқлай билиш.

### **Ёзиш**

Бир неча манбалардан келиб тушувчи маълумот ва далилларни умумлаштириб ва баҳолаб тушунарли турли қизиқарли саволлар аниқ ва мукамал ёритилган матнларни ёза олиш; фильм, китоб, пьесага фикр-мулоҳаза ёза олиш; ҳал қилиш вариантларининг ижобий ва салбий жиҳатларини тушунтириб, саволларни ёритиб ёки “розилик/қаршилиқ” нуқтаи назарини асослаб, касбий йўналганлик масаласининг кенг доираси бўйлаб бирон вазиятни ривожлантиришда эссе ёки маъруза ёза олиш; турли манбалардан олинган маълумот ва далилларни умумлаштира олиш; ҳиссиётнинг турли ҳолатларидаги хатларни муваффақиятли ёза олиш ва воқеа-ҳодисалардаги шахсий қизиқишни таъкидлаб ҳамда янгиликларни ва ёзишмалар олиб борилаётган одамнинг фикрларини шарҳлаб, муҳим воқеа-ҳодисаларни ҳамда ўзи ва бегоналарнинг таассуротларини ажрата олиш.

Абзацлар ташкил қилиш ва бошқа қоидаларга риоя қилган ҳолда боғланган тушунарли матнлар туза олиш; баъзан она тилининг сезилмас таъсири кузатилса-да, асосан орфография (имло қоидалари) ва пунктуация (тиниш белгилари) қоидаларига риоя қила билиш,

## **Фонетик томони аниқ табиий талаффузга эга бўлиш**

### **Нутқнинг лексик томони**

Касбий қизиқиш уйғотадиган мавзу бўйича ва бирор нарсани тасвирлаш имконига эга умумий мавзуга доир етарлича луғат захирасига эга бўлиш, мос келувчи ифодани изламаган ҳолда умумий масала юзасидан нуқтаи назарини ифодалаш; такрорий сўз ва ибораларнинг такрорланишига йўл қўймаслик учун фикрни янгича шакллантира олиш, бироқ баъзан коммуникацияга ҳалақит бермайдиган керакли сўзларни танлаш мураккаблигига дуч келиш.

### **Нутқнинг грамматик томони**

Грамматик тўғрилиқ назоратининг етарлича юқори даражасини намойиш қилиш; айрим мураккаб синтактик конструкциялардан фойдалана олиш. Тушунишга таъсир қилувчи хатоларга йўл қўймаслик; ўзининг кўпгина грамматик хатоларини тўғирлай олиш.

### **Ижтимоий лингвистик компетенция**

Мос коммуникатив вазиятда дискурс танлай олиш; юзага келган муаммонинг моҳиятини тушунтира олиш ва миждозга зарурият туғилганда розилиқ борасидаги хизматни тақдим қилувчи шахсга тушунтира билиш; тил шакллари танлай билиш ва уларни нутқий мавзу бўйича коммуникатив вазиятлар доирасида касбий матнга мувофиқ тарзда қўллай ва ўзгартира олиш; тил эгаларида ҳайратланиш ёки аччиқланишни уйғотмайдиган, улар учун табиий, одатий саналган муомалада мулоқот қила олиш.

### **Дискурсив компетенция**

Нутқий мавзулар бўйича коммуникатив вазиятлар доирасида турли жанрлардаги касбий-йўналтирилган аутентик дискурслар - китоблар, мақолалар, ҳужжатлар, қонунлар, қоида кабиларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш.

### **Стратегик компетенция**

Нутқий мавзу бўйича касбий коммуникатив вазиятлар доирасида нутқни мантиқан, изчил ва ишонарли қуриш, вазифалар қўйиш ва қўйилган мақсадларга эришиш; тингловчига қандай самара келтиришини эътиборга олиб, нимани ва қандай айтиш кераклигини режалаштира олиш; ўз “севимли хатолари”ни сеза билиш ва нутқда улардан онгли равишда қоча билиш; тушунишга эришиш, шунингдек, тинглаш жараёнида асосий ўринларни ажратиш мақсадида турли стратегиялардан фойдалана билиш; контекстлителянчлар бўйича тушунчанинг тўғрилигини текшира олиш; вақтдан ютиш учун иборалардан фойдалана билиш ва айтиш жоиз бўлган таърифлар вақтида ташаббусни йўқотмаслик; диалог бошлай олиш, керакли вақтда сўз олиш ҳамда суҳбатни сўзловчига зарур бўлган пайтда яқунлай олиш (гарчи бу ҳар доим ҳам чиройли чиқмаса-да); тушунчага эга эканлигини намойиш қилиб ва бошқаларни ҳам иштирок этишга чақириб таниш мавзуда муҳокамани қўлаб-қувватлай олиш; эътибор қаратиш, тўлдириш, гаплар қура олиш ва шу орқали муҳокамага кўмаклашиш;

суҳбатдошининг тушунганлигига ишонч ҳосил қилиш учун аниқлаштирувчи саволлар бера олиш ва икки маъноли ифодаларга аниқлик киритиш.

### **Ижтимоий-маданий компетенция**

Нутқий мавзу бўйича касбий коммуникатив вазиятлар доирасида эквивалентсиз касбий сўзларни билиш ва уларни матнларда (жумладан, маълумотномалардан фойдаланган ҳолда) тушуниш; тили ўрганилаётган мамлакатдаги касбий фаолиятнинг буюмлари ва объектини англатувчи сўзларни билиш; тили ўрганилаётган мамлакатда қабул қилинган касбий мулоқот меъёрларига мувофиқ тарзда нутқий муомалани ва одоб (этикет) қолипларини қўллаш билиш.

### **Ижтимоий компетенция**

Инсонларга нисбатан ҳурмат, бошқа маданиятга толерантликни сақлаган ҳолда жамиятда қабул қилинган одоб-ахлоқ ва ҳуқуқий меъёрлар асосида ижтимоий ҳамкорликни, шерикчилик, ишончли муносабатларни қўллаб-қувватлашда жавобгарликка тайёр эканлигини намоён эта олиш.

Машғулотларда, уйда, кутубхона кабиларда мустақил ишлай олиш, мустақил таълим олиш ва касбий маҳорат даражасини ошириш мақсадида аутентик касбий манбалардан зарур маълумотларни олиш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш учун замонавий таълим технологияларини қўллаш асосида ишнинг турли шакллари ва барча касбий фаолиятни ташкил эта олиш.

## **В2+ ИНГЛИЗ ТИЛИНИ БИЛИШ ДАРАЖАСИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР КОМПЕТЕНЦИЯЛАР БИЛИМ МАЛАКА**

### **Лингвистик компетенция**

#### **Нутқий компетенция**

#### **Тушуниб тинглаш**

Адабий меъёрлар доирасида маиший, ижтимоий, таълимий ва касбий - йўналтирилган аутентик дискурсларнинг сўзлашув нутқини жонли ва ёзиб олинган тасмаларда, агар улар таркибида таниш ва нотаниш мавзулардаги далиллар, атрофдагилар гапираётган бўлса, уларнинг шовқинига қарамай, шунингдек, дискурс нотўғри тузилган бўлиб, унда идиоматик ифодалардан фойдаланилган бўлса ҳам, тушуна олиш; меъёрий шевада талаффуз қилинадиган аниқ ва маъхум мавзулардаги, шунингдек, мутахассислик мавзулари бўйича техникавий муҳокамалардан иборат нутқни лингвистик ва мазмуний тўлдириш бўйича асосий ҳолатларни тушуниш; тил эгалари билан қизгин суҳбатни қўллаб-қувватлай олиш; янгиликлар ва кундалик воқеаларнинг кўплаб телевизион дастурларини тушуниш; ҳужжатли фильмларни, жонли қизгин интервьюларни, ток-шоу, спектаклларни, шунингдек, кўпгина фильмларнинг, агар уларнинг қаҳрамонлари меъёрий шевада гапираётган бўлса, мазмунини тушуниш.

#### **Гапириш Диалог**

Турли мавзуларда айтиш зарур бўлгандаги чекловларсиз, грамматик хатоларга йўл қўймасдан, раво, аниқ ва тайёргарликсиз самарали, вазият талаб қилган даражада расмий гапира олиш; олдиндан кутилган саволлардан



кочган ҳолда, қизиқарли лўқмаларга киришиб муваффақиятли ва эркин тарзда интервью олиб бориш.

### **Монолог**

Ихтисослик бўйича аниқ, равон, мукамал маълумотлар, тавсифлар қила олиш, муҳим томонларини таъкидлаб ва ҳикоянинг муҳим жиҳатларини батафсил асослаб, шунингдек, тингловчиларга ноқулайликлар туғдирмасдан аниқ, мантиқий қурилган маъруза қила олиш; тайёргарликсиз белгиланган чиқиш нутқи матнидан йироқлашиш ҳамда етарлича эркин нутқ ва фикрларнинг осонгина шаклланишини намойиш қилган ҳолда тингловчилар томонидан билдирилган қизиқарли нуқтаи назарни ривожлантириш.

### **Ўқиш**

Мураккаб матнни унинг муҳим элементларини ажратган ҳолда тез кўриб чиқа билиш; фаолият соҳаси билан боғлиқ махсус манбалардан олинган маълумот, фикр ва мулоҳазаларни тўплай олиш; фаолият доирасидан ташқарида бўлган махсус мақолаларни тушунишда терминларни тўғри тушунаётганлигини аниқлаш мақсадида вақти-вақти билан луғатдан фойдаланиш; замонавий бадиий прозани тушуна олиш.

### **Ёзиш**

Фикрларини яхлит боғланган матнда ифодалаб, шунингдек, танланган жанр меъёрларига риоя қилиб, ҳақиқий ва тўқима воқеа-ҳодисалар ва тажрибаларнинг тушунарли, батафсил тасвирини туза олиш, баён қилинаётган нуқтаи назарни асословчи тафсилотлари келтирилган ва муҳим жиҳатлари қайд қилинган, далиллар изчил келтирилган эссе ва маърузалар ёза олиш; муаммоларни ҳал қилишнинг турли ғоялари ва вариантларига баҳо бера олиш.

Абзацлар ташкил қилиш ва бошқа қоидаларга риоя қилган ҳолда боғланган тушунарли матнлар туза олиш; баъзан она тилининг сезилмас таъсири кузатилишига қарамай, асосан орфография (имло қоидалари) ва пунктуация (тиниш белгилари) қоидаларига риоя қила билиш.

### **Фонетик томони**

Аниқ табиий талаффузга эга бўлиш.

### **Нутқнинг лексик томони**

Касбий қизиқиш уйғотадиган мавзу бўйича ва бирор нарсани тасвирлаш имконига эга умумий мавзуга доир етарлича луғат захирасига эга бўлиш, мос келувчи ифодани изламаган ҳолда умумий масала юзасидан нуқтаи назарини ифодалаш; такрорий сўз ва ибораларнинг такрорланишига йўл қўймаслик учун фикрни янгича шакллантира олиш, бироқ баъзан коммуникацияга ҳалақит бермайдиган керакли сўзларни танлаш мураккаблигига дуч келиш.

### **Нутқнинг граммати к томони**

Грамматик тўғрилиқ назоратининг етарлича юқори даражасини намойиш қилиш; айрим мураккаб синтактик конструкциялардан фойдалана олиш. Тушунишга таъсир қилувчи грамматик хатоларга йўл қўймаслик; ўзининг кўпгина хатоларини тўғрилай олиш.

### **Ижтимоий лингвистик компетенция**

Баҳсли масалаларни ҳал қилиш учун (масалан, бахтсиз ҳодисада айбдорлигини билдириш) етарлича тил воситаларига эга бўлиш; тилнинг зарур воситаларини қўллаб, бадал тўлаш ҳақида талабларни қисқа баён қила олиш, кондиришни талаб қилиш ва розилик меъёрларини аниқ ифодалаш; мулоқотнинг ҳам расмий, ҳам норасмий матнларига ишончли эга бўлиш.

### **Дискурсив компетенция**

Нутқий мавзулар бўйича коммуникатив вазиятлар доирасида турли жанрлардаги касбий-йўналтирилган аутентик дискурслар - китоблар, мақолалар, ҳужжатлар, қонунлар, қоида кабиларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш.

### **Стратегик компетенция**

Агар янглиш айтилган сўз ва хатолар сўзловчи томонидан сезилган бўлса ва бу тушунмовчиликка олиб келса, уларни тузата билиш.

### **Ижтимоий- маданий компетенция**

Нутқий мавзу бўйича касбий коммуникатив вазиятлар доирасида эквивалентсиз касбий сўзларни билиш ва уларни матнларда (жумладан, маълумотномалардан фойдаланган ҳолда) тушуниш; тили ўрганилаётган мамлакатдаги касбий фаолиятнинг буюмлари ва объектини англлатувчи сўзларни билиш; тили ўрганилаётган мамлакатда қабул қилинган касбиймулоқот меъёрларига мувофиқ тарзда нутқий муомалани ва одоб (этикет) қолипларини қўллай билиш.

### **Ижтимоий компетенция**

Инсонларга нисбатан ҳурмат, бошқа маданиятга толерантликни сақлаган ҳолда жамиятда қабул қилинган одоб-ахлоқ ва ҳуқуқий меъёрлар асосида ижтимоий ҳамкорликни, шерикчилик, ишончли муносабатларни қўллаб- қувватлашда жавобгарликка тайёр эканлигини намоён эта олиш.

### **Ўқув-билиш компетенцияси**

Машғулотларда, уйда, кутубхона кабиларда мустақил ишлаш; аутентик касбий манбалардан зарур маълумотларни олиш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш учун замонавий таълим технологияларини қўллаш асосида ишнинг турли шакллари ва барча касбий фаолиятни ташкил эта олиш. Ўз устида мустақил ишлай олиш, малака ва маҳоратини оширишга тайёргарлик; ҳамкасблари ҳамкорлик қила олиш.

### **Амалий чет тили фанининг ўқув режадаги бошқа фанлар билан алоқаси**

Магистрантлар инглиз тилини ўрганиши учун ўз соҳасидан ташқари бошқа фанлар бўйича умумий тушунча ва билимга эга бўлиши керак. Амалий инглиз тили фани иқтисод, география, сиёсатшунослик, психология, мамлакатшунослик, Ўзбекистон энг янги тарихи ва бошқа бир қатор фанлар билан ўзаро чамбарчас алоқадор ҳисобланади.

### **Фанни амалий қўллаш**

Инглиз тилини ўргатиш олий маълумотли мутахассисни тайёрлаш жараёнининг таркибий қисми бўлиб келмоқда.

Олий ўқув юрти магистрантларнинг инглиз тилидан олган билимларини нутқий мулоқот фаолиятида амалий қўллай олиши учун ушбу босқичда асосий билим, кўникма ва малакаларининг мустаҳкам пойдеворини таъминлаш мазкур фан орқали амалга оширилади. Магистрант олий ўқув юртини тамомлагандан сўнг ўз касбий фаолиятида инглиз тилида мустақил мулоқот олиб бориш усуллари ва йўлларини билиши зарур.

#### **Магистрант:**

- инглиз тилидаги адабиётлардан фойдалана олиши;
- магистрлик диссертацияси юзасидан илмий мақола, аннотация ёза олиши;
- республика ва хорижий мамлакатлардаги илмий-амалий конференцияларда чет тилида ёзилган мақолалари билан иштирок этиши;
- инглиз тилида маъруза ва маълумотлар тайёрлаш кўникмаларига эга бўлиши лозим.

Амалий инглиз тили дарсларида қўлланиладиган топшириқлар магистрантларнинг фикрлаш фаолиятини ривожлантиришга ёрдам беради, махсус фанларни ўрганишда ҳам фикрлаш фаолиятини шакллантириш учун замин яратади.

Бўлажак мутахассис фаолияти учун касбий аҳамиятга эга бўлган таҳлил, синтез, гипотезаларни илгари суриш, ҳимоя қилиш кабилар ўқув жараёнида муҳимдир.

#### **Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар**

Замонавий ахборот ва педагогик технологияларнинг турларидан бири интерфаол усулда ўқитиш ҳисобланади. Интерфаол усулда ўқитиш – бу билиш фаолиятини ташкил этишнинг махсус шакли. Магистрантларга амалий инглиз тилини ўргатишда ахборот ва педагогик технологияларни қўллашкатта аҳамиятга эга. Бу усулнинг туб моҳияти шундан иборатки, деярлибарча магистрантлар ўқув жараёнига жалб этилади. Интерфаол усулларниқўллаш, янги материални ўзлаштириш жараёнини енгиллаштиради, ҳамда магистрантларнинг танқидий фикрлашини ривожлантиради. Бунинг учун дарсларда индивидуал, жуфт ва гуруҳ-гуруҳ бўлиб ишлаш, роль ўйинлари, турли маълумот-манбалари билан ишлаш, ақлий ҳужум, хотира картаси, мозаика, кластер, сенквейн, бумеранг, бинго ва бошқалар ташкил қилинади. Интерфаол усуллардан фойдаланишни билиш:

- магистрантларни дарс мавзусига қизиқтиришни таъминлашга;
- материални мукамалроқ тушунишга эришишга;
- аналитик фикрлашни ривожлантиришга;
- мулоқот малакасини шакллантиришга;
- барча магистрантларни ўқув жараёнига жалб қилишга имкон беради.

#### **Таълимда техник воситалар.**

Таълим-тарбия жараёнида ўқитишнинг анъанавий воситалардан фойдаланиш билан бир қаторда замонавий техник воситалардан кенг

фойдаланиш зарур. Техник воситалар, компьютер, видео техникалар, телевидениедан комплекс равишда фойдаланиш магистрантларни мустақил ишлашига ёрдам беради.

Техник воситалар ва компьютер техникасидан амалий машғулот жараёнида фойдаланиш – дарс сифатини яхшилашда самарали натижа беради. Бунда тил устида кўпроқ ишлашга, амалий инглиз тилини ўрганишга бўлган қизиқишнинг ошишига, шунингдек турли ҳаётий вазиятни табиий тил муҳитида кўрсатиш орқали тил муҳитини яратишга эришилади.

## **АСОСИЙ ҚИСМ**

### **Амалий инглиз тили фанидан амалий машғулотлар мазмуни**

Магистратура босқичида инглиз тилини ўқитишнинг асосий мақсади – магистрант ўз касбий фаолиятида ҳамда кундалик ҳаётида инглиз тилидан самарали ва эркин фойдалана олиш кўникмаларини ҳосил қилиш керак.

Магистрант мутахассисликка оид матн маълумотларини таҳлил қилиши, тил соҳиби нутқини тўлиқ тушуниши, умумгуманитар характерга эга бўлган, ижтимоий-сиёсий характердаги ва мутахассисликка оид адабиётлардан ахборот олиш, ахборот алмашиш имконига эга бўлиши лозим.

Магистратура босқичида ўқитиладиган амалий инглиз тили фани магистрантларнинг бакалаврият босқичида эгалланган асосий билим ва кўникмаларини мустаҳкамлайди ва уни янада такомиллаштиради.

Аудиторияда мустақил мутолаа қилиш, оғзаки нутқ, ёзма иш ҳамда эшитиш кўникмалари ривожлантирилади. Амалий инглиз тили бўйича мустақил ишнингмураккаб кўникмалари сингдирилади.

### **“Амалий инглиз тили” фанидан умумий соатлар сони:**

<b>Курс</b>	<b>Хафта</b>	<b>Амалий машғулот</b>	<b>Мустақил таълим</b>	<b>Жами</b>
<b>I</b>	<b>20</b>	<b>80</b>	<b>28</b>	<b>108</b>
<b>II</b>	<b>20</b>	<b>20</b>	<b>20</b>	<b>40</b>
<b>Жами</b>		<b>100</b>	<b>48</b>	<b>148</b>

## Инглиз тили

### Грамматика (системалаштириш ва чуқурлаштириш)

Modal verbs

Complex sentences

Sequence of tenses

Phrasal verbs

Non-finite forms of the verbs

Conditionals

Word order

### Лексика

Мутахассисликка оид терминлар ва тушунчалар.

Аббревиатура, акроним ва топонимлар.

Идиомалар, фразеологик бирликлар.

### Мулоқот учун мавзулар

➤ Тили ўрганилаётган мамлакатлар ва Ўзбекистон иқтисоди ва халқаро алоқалари;

➤ Тили ўрганилаётган мамлакат ва Ўзбекистон таълим тизими

➤ Ёзги ва қишки Олимпиада ўйинлари, Ўзбекистонда спорт;

➤ Тили ўрганилаётган мамлакатлар ва Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати ва ташқи алоқалари, сиёсий партиялари, давлат ва жамият ташкилотлари ва фондлар;

➤ Оммавий ахборот воситалари ва коммуникация: жамиятнинг ривожланишида оммавий воситаларнинг ўрни, газета, радио, телевидения ва интернет;

➤ Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакатнинг экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш муаммолари;

➤ Халқаро ташкилотлар: БМТ, ЮНЕСКО, ШОС, ЕВРОПА ИТТИФОҚИ, ХАЛҚАРО БАНК, ИНТЕРПОЛ;

➤ Магистрантнинг илмий фаолияти: мавзунинг долзарблиги, илмий ва амалий аҳамияти, илмий янгилиги.

# I - СЕМЕСТР (1 – курс)

Хафта	Умумий юклама	Амалий машғулотлар	Мустақил таълим	Мавзу	Янги лексика	Грамматика	Оғзаки нутқ	Текст устида ишлаган	Кўрама қуроллар	Мустақил иш
1	2	3	4	5	6	7	8	8	10	11
<b>I</b>	<b>6</b>	4	2	Unit 1	What is economics?	Present forms	The independence of Uzbekistan	What do economists do?	Charts	The economy of the USA
<b>II</b>	<b>6</b>	6	0	Unit 2	The study of scarcity and choice	Present perfect	My major	Talking about changes	Tables	Sport in the USA
<b>III</b>	<b>6</b>	4	2	Unit 3	The basic economic problem	Conditionals	The economy of Uzbekistan	Exchanging opinions	Graphs	Offers & suggestions
<b>IV</b>	<b>6</b>	4	2	Unit 4	Microeconomics	Passives	The problems of environment	Definition of business	Videos	Internet in Great Britain
<b>V</b>	<b>6</b>	4	2	Unit 5	Macroeconomics	Future arrangements	Successful managers	My Scientific – research work	Newspapers	Four more business stories
<b>VI</b>	<b>6</b>	4	2	Unit 6	Cash flow	Abbreviations	Outstanding, modern economists	Starting your own business	Videos	Social English expressions
<b>VII</b>	<b>6</b>	4	2	Unit 7	Economic systems	Prepositions	Global issues	Business vocabulary	Graphs	Traditions of GB
<b>VIII</b>	<b>6</b>	6	0	Unit 8	Market economy	Adverbs of frequency	Job seeking & Interviews	Talking about your job	Cards	The climate of GB
<b>IX</b>	<b>6</b>	<b>4</b>	2	Unit 9	Mixed economy	British & American differences	Meetings	Making an appointment	Videos	Sport in GB
<b>X</b>	<b>6</b>	<b>4</b>	2	Unit 10	Supply, demand and market price	Figures & numbers	Marketing & sales	Dealing with angry customers	Graphs	Writing formal letters
<b>XI</b>	<b>6</b>	6	0	Unit 11	The law of demand	Question tags	Employment	Women in the boardroom	Cards	Climate of the USA
<b>XII</b>	<b>6</b>	4	2	Unit 12	Money and its functions	Proverbs	Money & finance	Spending the inheritance	Videos	Tourism in the USA
<b>XIII</b>	<b>6</b>	4	2	Unit 13	The sources of income	Idioms	Negotiations	Fair-trade	Graphs	Education system of GB
<b>XIV</b>	<b>6</b>	4	2	Unit 14	Obtaining and using credit	Business phrasal verbs1	Internet	Business profiles	Newspapers	Education system of the USA
<b>XV</b>	<b>6</b>	4	2	Unit 15	Inflation	Adjectives & adverbs	Graphs & charts	Explaining statistics	Videos	Communicating changes
<b>XVI</b>	<b>6</b>	6	0	Unit 16	Inflation and business	Word order	What a fantastic product	Business trip	Tables	Requesting & thanking
<b>XVII</b>	<b>6</b>	4	2	Unit 17	Marketing management	Reported speech	Business reports	Alternative investments	Schemes	Health system
<b>XVIII</b>	<b>6</b>	4	2	Unit 18	Advertising	Business phrasal verbs2	Business correspondence	Business review	Statistic data	Ecology & environment
<b>Jami</b>	<b>108</b>	<b>80</b>	<b>28</b>							

## II - SEMESTR (2 – kurs)

Хафта	Умумий юклама	Амалий машғулотлар	Мустақил таълим	Мавзу	Янги лексика	Грамматика	Оғзаки нутқ	Текст устида ишлаган	Кўргазма қуроллар	Мустақил иш
1	2	3	4	5	6	7	8	8	10	11
<b>I</b>	<b>8</b>	4	4	Unit 1	Career choices	Present forms	The independence of Uzbekistan	What do economists do?	Charts	The economy of the USA
<b>II</b>	<b>8</b>	4	4	Unit 2	Placement report	Present perfect	My major	Talking about changes	Tables	Sport in the USA
<b>III</b>	<b>6</b>	2	4	Unit 3	Counselling	Conditionals	The economy of Uzbekistan	Exchanging opinions	Graphs	Offers & suggestions
<b>IV</b>	<b>6</b>	4	2	Unit 4	Customer support Formal and informal correspondence	Passives	The problems of environment	Definition of business	Videos	Internet in Great Britain
<b>V</b>	<b>8</b>	4	4	Unit 5	Products and packaging	Future arrangements	Successful managers	My Scientific – research work	Newspapers	Four more business stories
<b>VI</b>	<b>4</b>	2	2	Unit 6	Presentation structure	Abbreviations	Outstanding, modern economists	Starting your own business	Videos	Social English expressions
<b>Jami</b>	<b>40</b>	<b>20</b>	<b>20</b>							

## Амалий машғулотлар мавзулари

### Unit 1( 6 hours)

**Text:** Unit 1

**Linguistic materials: Vocabulary:** What is economics?; **Speaking:** The Independence of Uzbekistan **Reading:** What do economists do?; **Grammar:** Present forms; **Self-study:** The economy of the USA

Communicative tasks:

1. Read the words
2. Use the given grammar phenomena in sentences
3. Learn the vocabulary.
4. Study the word- building
5. Read the text and give its summary
6. Answer the questions
7. Speak on the topic, given situation
8. Write an essay

**Source:** (A4,A5,Q18,Q20,Q26)

### Unit 2( 6 hours)

**Text:** Unit 2

**Linguistic materials: Vocabulary:** The study of scarcity and choice; **Speaking:**My major;**Reading:** Talking about changes; **Grammar:** Present perfect; **Self-study:**Sport in the USA

Communicative tasks:

1. Read the words
2. Use the given grammar phenomena in sentences
3. Learn the vocabulary.
4. Study the word- building
5. Read the text and give its summary
6. Answer the questions
7. Speak on the topic, given situation
8. Write an essay

**Source:** (A4,A7,Q19,Q20,Q25)

### Unit 3(8 hours)

**Text:** Unit 3

**Linguistic materials: Vocabulary::**The basic economic problem; **Speaking::**The economy of Uzbekistan **Reading:** Exchanging opinions; **Grammar:** Conditional; **Self-study:** Offers and suggestions

Communicative tasks:

1. Read the words
2. Use the given grammar phenomena in sentences
3. Learn the vocabulary.
4. Study the word- building



5. Read the text and give its summary
6. Answer the questions
7. Speak on the topic, given situation
8. Write an essay

**Source:** (A3,A5,Q16,Q22,Q26)

#### **Unit 4 ( 6 hours)**

**Text:** Unit 4

**Linguistic materials: Vocabulary::**Microeconomics; **Speaking:**The problems of environment; **Reading:** Definition of business; **Grammar:** Passives; **Self-study:** Internet in Great Britain

##### **Communicative tasks:**

1. Read the words
2. Use the given grammar phenomena in sentences
3. Learn the vocabulary
4. Study the word- building
5. Read the text and give its summary
6. Answer the questions
7. Speak on the topic, given situation
8. Write an essay

**Source:** (A4,A9,Q19,Q20,Q26)

#### **Unit 5 (8 hours)**

**Text:** Unit 5

**Linguistic materials: Vocabulary:**Macroeconomics; **Speaking:**Successful managers;**Reading:** My Scientific-research work; **Grammar:**Modal verbs; **Self-study:** Four more business stories

##### **Communicative tasks:**

1. Read the words
2. Use the given grammar phenomena in sentences
3. Learn the vocabulary.
4. Study the word- building
5. Read the text and give its summary
6. Answer the questions
7. Speak on the topic, given situation
8. Write an essay

**Source:** (A4,A5,Q18,Q20,Q26)

#### **Unit 6 (6 hours)**

**Text:** Unit 6

**Linguistic materials: Vocabulary:** Cash flow; **Speaking:** Outstanding modern economists; **Reading:** Starting your own business; **Grammar:** Abbreviations; **Self-study:** Social English

**Communicative tasks:**

1. Read the words
2. Use the given grammar phenomena in sentences
3. Learn the vocabulary
4. Study the word- building
5. Read the text and give its summary
6. Answer the questions
7. Speak on the topic, given situation
8. Write an essay

**Source:** (A2,A5,Q18,Q20,Q25)

### **Unit 7 (8 hours)**

**Text:** Unit 7.

**Linguistic materials: Vocabulary:** Economic systems ; **Speaking:** Global issues; **Reading:** Business vocabulary; **Grammar:** Complex sentences; **Self-study:** Traditions of GB

**Communicative tasks:**

1. Read the words
2. Use the given grammar phenomena in sentences
3. Learn the vocabulary.
4. Study the word- building
5. Read the text and give its summary
6. Answer the questions
7. Speak on the topic, given situation
8. Write an essay

**Source:** (A7,A9,Q19,Q22,Q23)

### **Unit 8(6 hours)**

**Text:** Unit 8

**Linguistic materials: Vocabulary:** Market economy; **Speaking:** Job seeking and interviews. **Reading:** Talking about your job; **Grammar:** Adverbs of frequency; **Self-study:** The climate of GB

**Communicative tasks:**

1. Read the words
2. Use the given grammar phenomena in sentences
3. Learn the vocabulary.
4. Study the word- building
5. Read the text and give its summary

6. Answer the questions
  7. Speak on the topic, given situation
  8. Write an essay
- Source:** (A4,A5,Q18,Q20,Q22)

### **Unit 9 (6 hours)**

**Text:** Unit 9

**Linguistic materials:** **Vocabulary:**Mixed economy; **Speaking:** Meeting  
**Reading:**Making an appointment; **Grammar:**Non-finite forms of the verbs; **Self-**  
**study:** Sport in GB

**Communicative tasks:**

1. Read the words
  2. Use the given grammar phenomena in sentences
  3. Learn the vocabulary.
  4. Study the word- building
  5. Read the text and give its summary
  6. Answer the questions
  7. Speak on the topic, given situation
  8. Translate the sentences from English into your native tongue
- Source:** (A2,A5,Q18,Q20,Q24)

### **Unit 10 (8 hours)**

**Text:** Unit 10

**Linguistic materials:** **Vocabulary:**Supply,demand and market price; **Speaking:**  
Marketing and sales **Reading:** Dealing with angry customers; **Grammar:**Figures  
and numbers.; **Self-study:** Writing formal letters

**Communicative tasks:**

1. Read the words
  2. Use the given grammar phenomena in sentences
  3. Learn the vocabulary.
  4. Study the word- building
  5. Read the text and give its summary
  6. Answer the questions
  7. Speak on the topic, given situation
  8. Translate the sentences from English into your native tongue
- Source:** (A2,A5,Q19,Q20,Q22)

### **Unit 11 (6 hours)**

**Text:** Unit 11.

**Linguistic materials: Vocabulary:**The law of demand; **Speaking:** Employment; **Reading:** Women in the boardroom; **Grammar:**Question tags; **Self-study:** Climate of the USA

**Communicative tasks:**

1. Read the words
2. Use the given grammar phenomena in sentences
3. Learn the vocabulary.
4. Study the word- building
5. Read the text and give its summary
6. Answer the questions
7. Speak on the topic, given situation
8. Translate the sentences from English into your native tongue

**Source:** (A4,A5,Q18,Q20,Q22)

### Unit 12 ( 6 hours)

**Text:** Unit 12

**Linguistic materials: Vocabulary:**Money and its functions; **Speaking:** Money and finance; **Reading:**Spending the inheritance; **Grammar:**Proverbs.; **Self-study:** Tourism in the USA

**Communicative tasks:**

1. Read the words
2. Use the given grammar phenomena in sentences
3. Learn the vocabulary.
4. Study the word- building
5. Read the text and give its summary
6. Answer the questions
7. Speak on the topic, given situation
8. Translate the sentences from English into your native tongue

**Source:** (A8,A10,Q18,Q20,Q22)

### Unit 13( 8 hours)

**Text:**Unit 13.

**Linguistic materials: Vocabulary:**The sources of income; **Speaking:**Negotiations; **Reading:**Fair-trade; ; **Grammar:**Idioms; **Self-study:** Education system of GB

**Communicative tasks:**

1. Read the words
2. Use the given grammar phenomena in sentences
3. Learn the vocabulary.
4. Study the word- building
5. Read the text and give its summary

6. Answer the questions
  7. Speak on the topic, given situation
  8. Translate the sentences from English into your native tongue
- Source:** (A4,A5,Q18,Q20,Q22)

### Unit 14(6 hours)

**Text:** Unit 14

**Linguistic materials:** **Vocabulary:**Obtaining and using credit; **Speaking:**Internet;  
**Reading:**Business profiles; **Grammar:**Business phrasal verbs; **Self-study:**  
 Education system of the USA

**Communicative tasks:**

1. Read the words
  2. Use the given grammar phenomena in sentences
  3. Learn the vocabulary.
  4. Study the word- building
  5. Read the text and give its summary
  6. Answer the questions
  7. Speak on the topic, given situation
  8. Translate the sentences from English into your native tongue
- Source:** (A4,A5,Q18,Q20,Q26)

### Unit 15 ( 6 hours)

**Text:** Unit 15

**Linguistic materials:** **Vocabulary:**Inflation; **Speaking:** Graphs and charts;.  
**Reading:**Explaining statistics; **Grammar:**Adjectives and adverbs; **Self-study:**  
 Communicating changes

**Communicative tasks:**

1. Read the words
  2. Use the given grammar phenomena in sentences
  3. Learn the vocabulary.
  4. Study the word- building
  5. Read the text and give its summary
  6. Answer the questions
  7. Speak on the topic, given situation
  8. Translate the sentences from English into your native tongue
- Source:** (A4,A5,Q18,Q20,Q26)

### Unit 16 (8 hours)

**Text:** Unit 16

**Linguistic materials:** **Vocabulary:**Inflation and business; **Speaking:** What a  
 fantastic product**Reading:**Business trip; **Grammar:**Word order.; **Self-study:**  
 Requesting and thanking

**Communicative tasks:**

1. Read the words
2. Use the given grammar phenomena in sentences
3. Learn the vocabulary.
4. Study the word- building
5. Read the text and give its summary
6. Answer the questions
7. Speak on the topic, given situation
8. Translate the sentences from English into your native tongue

**Source:** (A2,A5,Q18,Q20,Q26)

**Unit 17 (6 hours)**

**Text** Unit 17.

**Linguistic materials:** **Vocabulary:**Marketing management; **Speaking:**Business reports; **Reading:** Alternative investments; **Grammar:**Reported speech; **Self-study:** Health system

**Communicative tasks:**

1. Read the words
2. Use the given grammar phenomena in sentences
3. Learn the vocabulary.
4. Study the word- building
5. Read the text and give its summary
6. Answer the questions
7. Speak on the topic, given situation
8. Translate the sentences from English into your native tongue

**Source:** (A3,A5,Q18,Q20,Q25)

**Unit 18 (6 hours)**

**Text:** Unit 18

**Linguistic materials:** **Vocabulary:**Advertising; **Speaking:**Business correspondence; **Reading:** Business review; **Grammar:**Business phrasal verbs2; **Self-study:**Ecology and environment

**Communicative tasks:**

1. Read the words
2. Use the given grammar phenomena in sentences
3. Learn the vocabulary.
4. Study the word- building
5. Read the text and give its summary
6. Answer the questions
7. Speak on the topic, given situation
8. Translate the sentences from English into your native tongue

**Source:** (A4,A5,Q18,Q20,Q24)

## **Мустақил ишни ташкил қилишнинг мазмуни ва шакллари**

Мустақил ўқув – бу мақсадли, систематик равишда бажариладиган мустақил иш ҳисобланиб, магистрантнинг касбий малакасини шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилган фаолиятдир. Мустақил иш магистрантнинг билим ва кўникмаларни янада чуқурлаштириш, янгимаълумоталар тўплаш, мустақил хулосалар чиқариш ва турли илмий-амалий гипотезаларни олға суришни ўргатиш демакдир. Мустақил ишларнинг натижалари мавзу бўйича презентация (Power Point), реферат, маъруза, конспект, дебат (ёки round-table discussion) шаклида ташкил қилиниши мумкин.

Ҳозирги шароитда ўқитишнинг кўпгина муаммолари янгича ҳал қилинади, магистрантлар ва ўқитувчи вазифалари ҳамда ўзаро муносабатлари ўзгаради, магистрантнинг мустақил фаолиятидаги ўрни ошади, унинг ижодий фикрлаш кўникмаси ривожланади.

Магистрантларга аннотация, реферат, оғзаки маъруза ва ахборот олиш ва тақдим қилиш усулларини эгаллашга имконият беради.

Мустақил иш турлари:

- дарсларда ўқув топшириқларини бажариш;
- аудиториядан ташқари ўқув вазифаларини бажариш;
- тақдимотлар тайёрлаш;
- дардан ташқари мустақил ўқиш.

Кўрсатиб ўтилган иш турлари таълим жараёнида давом этади ва материал ҳажми, мураккаблиги ошиб боради, шунингдек ўқитувчининг бевосита раҳбарлиги ҳам камайиб боради.

Мустақил ишни муваффақиятли бажариш учун уни аниқ режалаштириш

ва ташкил қилиш тавсия этилади. Тўғри ташкил этилган мустақил иш ўзлаштиришни оширишга, магистрантларнинг амалий чет тилини ўрганишга кизиқишини орттиришга ёрдам беради.

## **Назорат шакли**

Кундалик назорат: тестлар, мутахассисликка оид аутентик матнни ўқиш ва она тилига таржима қилиш, аудиматнни эшитиб, тегишли машқларни бажариш, эссе ёзиш, мутахассисликка оид инглиз тилидаги маълумот бўйича аннотация ёзиш, мутахассисликка оид мавзу бўйича реферат ёзиш ва ҳоказолар орқали амалга оширилади.

## **Ўзлаштириш назорати**

Амалий инглиз тили дастури барча магистратура мутахассисликлари 1-курс талабалари учун мўлжалланган. Амалий инглиз тили жами 80 соат ажратилган. Магистрантларнинг фан бўйича ўзлаштиришини баҳолаш семестр давомида мунтазам равишда олиб борилади ва қуйидаги турлар орқали амалга оширилади: Жорий баҳолаш

ва якуний баҳолаш.Жорий баҳолаш турига ажратилган баллар миқдори ўқув режасида фанга ажратилган соатнинг 70%; якуний баҳолашга еса 30%; миқдорда белгиланади.

Талабалар билимини баҳолаш тартиби:

0 – 54 % - “Қониқарсиз”

55 – 70 % - “Қониқарли”

71 – 85 % - “Яхши ”

86 – 100 % - “Ало”

1 – семестрда максимал балл – 100балл

Якуний назорат бутун курс ўтилгандан сўнг низом бўйича “Оғзаки” тарзда олинади.



**Рейтинг мезони**

**1-курс, I – семестр**

**умумий соат 80**

<b>Назорат турлари</b>	<b>семестр</b>	<b>Назорат шакиллари</b>	<b>Назорат шакиллари бўйича балл</b>		
<b>0 -35,0</b>					
<b>1-Жорий назорат</b>	<b>I</b>	<b>1. attendance</b>	<b>0,2</b>	<b>1,6</b>	<b>Хар бир дарсда</b>
		<b>2. reading</b>	<b>0,3</b>		
		<b>3. speaking</b>	<b>0,3</b>		
		<b>4. writing</b>	<b>0,3</b>		
		<b>5.critical thinking</b>	<b>0,5</b>		
		<b>1,4-1,6</b>			
		<b>0,9-1,3</b>			
		<b>0,4-0,8</b>			
<b>0-0,3</b>					
<b>Тестлар ёки топшириқлар бажарилганлиги учун</b>		<b>0-3,0</b>			
<b>Тақсимот учун</b>		<b>0-3,0</b>			
<b>Баллар нисбати</b>		<b>%</b>			
<b>31-35</b>		<b>86-100</b>			
<b>25-30</b>		<b>71-85</b>			
<b>20-24</b>		<b>55-70</b>			
<b>0-19</b>		<b>0-54</b>			
<b>0-35,0</b>					
<b>2- Жорий назорат</b>	<b>I</b>	<b>1. attendance</b>	<b>0,2</b>	<b>1,6</b>	<b>Хар бир дарсда</b>
		<b>2. reading</b>	<b>0,3</b>		
		<b>3. speaking</b>	<b>0,3</b>		
		<b>4. writing</b>	<b>0,3</b>		
		<b>5.critical thinking</b>	<b>0,5</b>		
		<b>1,4-1,6</b>			
		<b>0,9-1,3</b>			
		<b>0,4-0,8</b>			
<b>0-0,3</b>					
<b>Тестлар ёки топшириқлар бажарилганлиги учун</b>		<b>0-3,0</b>			
<b>Тақсимот учун</b>		<b>0-3,0</b>			
<b>Баллар нисбати</b>		<b>%</b>			
<b>31-35</b>		<b>86-</b>			
<b>25-30</b>		<b>100</b>			
<b>20-24</b>		<b>71-85</b>			
<b>0-19</b>		<b>55-70</b>			
		<b>0-54</b>			
<b>0-35,0</b>					
<b>Яқуний назорат</b>		<b>0-30,0</b>			

### **Асосий адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т., 1995.
2. Каримов И.А. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида сўзланган нутқ. Т., 2000.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., 2008.
4. Каримов И.А. 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Мажлисидаги маърузаси. Т., 2010 йил.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисидаги маърузаси. Т., 2010.
6. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури. Олий Мажлиснинг IX-сессияси. Т., 1997
7. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақиллика эришиш остонасида. Тошкент. “Ўзбекистон” 2011.
8. Karimov I.A. Uzbekistan Along the Road of Deepening Economic Reform. –Т. :Uzbekistan.1995.
9. Комаровская С.Д. «Английский язык для юристов» М., 2007.
10. Михельсон Т.Н. Пособие по составлению рефератов на английском языке, Л.,1980.
11. Alice Savage, Patricia Mayer Effective Academic Writing, Oxford University Press, 2005
12. Betty Schramper Azar. Understanding and using English Grammar, USA, 2002
13. Качалова К.Н., Израилевич Е.Е. «Грамматика английского языка» Бишкек. 2007.
14. Michael Vince “Macmillan English Grammar in Context” -2010
15. McCarthy M., O’Dell F. Test your Vocabulary in Use. Upper intermediate. – Cambridge. Cambridge University Press, 2003

### **Қўшимча адабиётлар:**

16. М. Набиева. «Экономическая лексика английского языка для студентов неязыковых вузов». Тошкент-20012
17. Мальчевская Т.Н. Сборник упражнений по переводу гуманитарных текстов. М., 1980
18. И.Кошманова. Тесты по английскому языку, М., 2004.
19. Богацкий и др. Бизнес курс английского языка, Киев, «Логос», 2001
20. Mark Powell. Presenting in English (how to give successful presentation). 2002
21. Paul Emerson. Business English Handbook. 2008
22. Глушенкова Е.В. «Английский для студентов экономических специальностей» 2003.

23. Боқиева Г.Х., Ирисқулов М.Т. In Touch Forever. Touch.-  
Тошкент,2006
24. Bryan Greatham. How to Write Better Essays.Palgrave. 2008.
25. Woorland George. Key Words for Fluency. Upper Intermediate  
collocation practice. London: Thomson, 2004
26. Esteras S.R., Fabre E.M. Professional English in Use. For computers and  
Internet. – Cambridge. Cambridge University Press, 2007
27. Blass L., Pike-Baky M. A Content-based Writing Book. -McGraw-Hill,  
1996.

**28 Электрон манбалар:**

[www.homeenglish.ru](http://www.homeenglish.ru)

[www.englishclub.ru](http://www.englishclub.ru)

[www.oup.com](http://www.oup.com)

[www. Google. com](http://www.Google.com)

[www.cl.com.ac.uk](http://www.cl.com.ac.uk)

“Uzbekistan today”

